

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**«Ўзтрансгаз» АЖ хузуридаги**  
**Жамоатчилик кенгаши раиси**

**Н.Игамбердиев**  
«29» март 2024й

**«Ўзтрансгаз» АЖ жамоатчилик кенгашининг**  
**2024-йил 1-чорақда амалга оширилган ишлар тўғрисида йиғилиш**  
**баёни № 1**

**2024-йил 29-март**

**Тошкент ш.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Ўзтрансгаз» АЖ жамоатчилик кенгаши иш режасининг муҳокамаси.
2. «Ўзтрансгаз» АЖ жамоатчилик кенгаши 2024-йил иш режасини тасдиқлаш.

**Раислик қилди:** Н.Игамбердиев – Жамоатчилик кенгаши раиси

**Қатнашдилар:** Жамоатчилик кенгаши аъзолари: Ш.Равшанова,  
Л.Шарипова, С.Эгамбердиев, С.Осадчая,  
Ш.Абдуллаева, Ф.Донияров

**Таклиф қилинганлар:** А.Тошпулатов

«Ўзтрансгаз» АЖ жамоатчилик кенгашининг 2024-йил 1-чорақда амалга оширилган ишлари тўғрисидаги йиғилиши Жамоатчилик кенгашининг раиси Н.Игамбердиев томонидан очилди.

Н.Игамбердиев ўз нутқида Жамиятнинг 2024-йил 12 мартдаги 39-сонли ««Ўзтрансгаз» АЖ хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи билан Жамиятнинг Жамоатчилик кенгаши таркибига ўзгартириш киритилганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, янгиланган таркиб билан барча аъзоларни таништириб ўтди.

Жамоатчилик кенгаши томонидан 2024-учун иш режасини муҳокама қилиниши ва тасдиқланишини айтиб ўтди.

Жамоатчилик кенгаши аъзоси Л.Шарипова иш режасини муҳокама қилиниши ва тасдиқланишини қўллаб-қувватлади. Бундан ташқари, жамоатчилик кенгаши ҳар бир аъзоси кенгаш фаолиятида фаол иштирок этишини лозимлигини билдириб ўтди.

Шу билан кенгашнинг 2024-йил учун белгиланган иш режа лойихаси бўйича таклифлар ва мулоҳазалар кўриб чиқилди.

Кенгаш раиси кенгаш аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 14-июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон фармони ва Жамиятнинг 2024-йил 19-февралдаги 26-сонли буйруғи билан таништирди.

Жамоатчилик кенгаш раиси Н.Игамбердиев муҳокама ва таклифларни инобатга олган ҳолда тузилган кенгашнинг 2024 йил иш режасини тасдиқланишини сўради. Кенгаш аъзолари бир овоздан иш режани тасдиқлашди. Қаршилар ва бетарафлар йук.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзтрансгаз” АЖ жамоатчилик кенгаши кун тартибига доир масалаларни атрофлича муҳокама қилиб **қарор қилади:**

1. “Ўзтрансгаз” АЖ Бошқарув раисининг 2024-йил 12-мартдаги 39-сонли буйруғига асосан жамият Жамоатчилик Кенгаши таркибига ўзгартириш киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзтрансгаз” АЖ Жамоатчилик кенгаши 2024-йил иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Баённомани расмийлаштирди:**



**Ф.Донияров**

«Ўзтрансгаз» АЖ томонидан 2024-йил 2-чоракда амалга  
оширилган ишлар тўғрисида йиғилиш баёни № 2

2024-йил 5 -июл

Тошкент ш.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Газ транспорт тизимини модернизация қилиш дастури бўйича амалга оширилган ишлар.
2. Рақамлаштириш борасида олиб борилган ишларга оид ҳисоботларни эшитиш.

**Раислик қилди:** Н.Игамбердиев – Жамоатчилик кенгаши раиси

**Қатнашдилар:** Жамоатчилик кенгаши аъзолари: Ш.Равшанова,  
Л.Шарипова, С.Эгамбердиев, С.Осадчая,  
Ш.Абдуллаева, М.Косимов, Р.Тургунов,  
М.Магдиева, М.Хужанова, Ф.Донияров

**Таклиф қилинганлар:** Ш.Бобоев, Ш.Сафаров

«Ўзтрансгаз» АЖ жамоатчилик кенгашининг 2024-йил 2-чоракда амалга оширган ишлари тўғрисидаги йиғилиши Жамоатчилик кенгашининг раиси Н.Игамбердиев томонидан очилди.

Н.Игамбердиев жамиятда рақамлаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот бериш учун сўзни Ш.Бобоевга берди. Ш.Бобоев ўз нутқида:

Ходимларни бошқариш модули ҳисобини бошқариш тизимини жорий этиш «Ўзтрансгаз» АЖнинг 2024 йил 15 мартдаги 40-сонли «hrm.argos.uz электрон платформада инсон ресурсларини бошқариш ишларини ташкил этиш тўғрисида» буйруғи асосида амалга оширилишини айтиб ўтди.

Буйруқда белгиланган ишларни амалга ошириш натижасида, бўлимларда меҳнат харажатларини 30%га, операцион ва маъмурий харажатларни 10%га қисқартириш ва бошқарув ҳисоботини олишни тезлаштириш имконияти яратилиши билдириб ўтди.

«Ўзтрансгаз» АЖ кадрлар фаолиятини рақамлаштириш мақсадида кадрлар хизматини hrm.argos.uz тизимига улаш имкониятлари кўриб чиқилди ва тизим фаолиятини ҳамда бир қатор тизимлар билан интеграцияланганини ҳисобга олиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон

Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги агентлигининг hrm.argos.uz тизимини ишлатиш учун 2024 йил апрель ойида Uzinfokom компанияси билан шартнома имзоланганини айтиб ўтди.

Жамиятнинг марказий аппарати, МГҚБ, ГЕОСИлар ва барча таркибий тузилмалари персонални бошқариш ишларини hrm.argos.uz электрон платформасига ўтказиш ишлари олиб борилаётганлигини маълум қилди.

Бундан ташқари, мавжуд газ қувурининг ер остидаги жойлашувини батафсил аниқлаш мақсадида бутун Республика бўйлаб мавжуд газ қувури бўйлаб топографик тадқиқотлар ўтказиш вазифаси олдимизда турганлиги билдириб ўтилди. Ушбу муҳандислик-геодезия ва муҳандислик-геологик ишлар FOCL кабелини мавжуд қувур линияси бўйлаб ерга ётқизишда барча хавфларни янада бартараф этиши маълум қилинди. Топографик тадқиқотдан сўнг, "COSCOM" МЧЖ геодезия ва муҳандислик-геологик тадқиқотлар натижаларига кўра мавжуд газ қувури (шу жумладан ГТС, КТ, ЎТ) бўйлаб ОТАЛ кабелини ётқизиш лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши таъминланди. Шу билан бирга танланган участкада (Шўртан-Сирдарё МГҚ 289 км - Шўртан-Сирдарё МГҚ 156 км) қурилиш-монтаж ишлари бошланганлиги билдириб ўтилди.

Шу билан бирга "Ўзтрансгаз" АЖ ва "Ўзбектелеком" АК ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларига эришиш бўйича музокаралар олиб борилаётганлиги айтиб ўтилди.

ГТСда контейнерлар (блок қутилари) ишлаб чиқариш ва ўрнатиш бўйича айти пайтда "Ўзтрансгаз" АЖ томонидан ҳар бир ГТСда контейнерлар (блок қутилар) ишлаб чиқариш ва ўрнатиш, технологик жараёнларни назорат қилиш ва алоқа воситаларини ўрнатиш ва ягона яхлит технологик тармоқни яратиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бугунги кунга қадар, блок қутилари ишлаб чиқариш ишлари бошланди, "Тошкент" МГҚБнинг 29 та объекти танланди ва 29 та блок қутилари етказиб берилди (25 та блок қути ўрнатилди).

Тезкор диспетчерлик ҳисобини юритиш автоматлаштирилган тизимини жорий этиш (ТДХАТ) лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сонли қарорига асосан тезкор диспетчерлик ҳисобини юритиш автоматлаштирилган тизимини жорий этиш белгиланган.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида, газ захираларини ҳисоблаш, газ балансини оператив шакллантириш, белгиланган технологик режимлардан четланишларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда авария ҳолатлари бўйича тезкор огоҳлантириш имконияти яратилади.

2023 йил 26 октябрдан бошлаб АСОДУ тизими тест режимида фойдаланишга топширилди. Тест режимида фойдаланиш жараёнида АСОДУ тизимига маълумотлар киритилмоқда ва камчиликлар бартараф этилмоқда.

Энергия ресурслари ва технологик жараёнларнинг ҳисобини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш (ЭРваТЖХМАТ) лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сонли қарорига асосан Энергия ресурслари

ва технологик жараёнларнинг ҳисобини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш белгиланди.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида, ўлчов воситаларига рухсатсиз киришдан ҳимоя қилишни ташкил этиш мақсадида кўшимча чоралар кўриш, объектларда автоматик режимда истеъмол қилинган газ, электр энергияси, газни таҳлил қилиш (хроматографлар), электрокимёвий ҳимоя станцияларидан ишончли маълумотларни олиш, тизимга бошқа идоравий ва тармоқдаги тизимларга зарур маълумот ва оператив маълумотларни импорт қилиш (экспорт қилиш) имкони яратилади.

2023 йил 27 декабрда Энергия ресурслари ва технологик жараёнларнинг ҳисобини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини дастлабки синовлари ўтказилди ва 2023 йил 29 декабрда ушбу тизим тажрибали фойдаланишга топширилди. Тест режимида фойдаланиш жараёнида тизимда барча ҳисобот турлари ишлаб чиқилмоқда.

Марказлаштирилган омборхона ҳисоби, меъёрий-ҳуқуқий маълумот ва харидларни бошқариш тизимини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сонли қарорига асосан Марказлаштирилган омборхона ҳисоби, меъёрий-ҳуқуқий маълумот ва харидларни бошқариш тизимини жорий этиш белгиланган.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида, харид қилишни автоматлаштириш ва аниқ режалаштириш, харажатларни қисқартириш ва вақтни тежаш, омборнинг фаолият жараёнларини оптимизация қилиш ва автоматлаштириш, омборнинг айланмасини ошириш, бошқарув ва ҳисобга олиш жараёнларининг шаффофлигини ошириш, бошқарув ахборотининг самарадорлиги ва ундан тезкор фойдаланиш имконияти яратилади.

Ҳозирги кунда харид қилиш тартиб таомилларини ташкил этиш учун ишлар олиб борилмоқда.

Кун тартибида белгиланган масалалар бўйича жамоатчилик кенгаши аъзолар таклифлари ва мулоҳазалари тингланди.

Жамоатчилик кенгаш раиси Н.Игамбердиев муҳокама ва таклифларни инобатга олган ҳолда 2024 йил иш режасини 2 чоракда кўйилган масалалар бажарилиши ижобий бажарилганлиги тасдиқланишини сўради. Кенгаш аъзолари бир овоздан иш режани ижобий бажарилганлигини тасдиқлашди. Қаршилар ва бетарафлар йук.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзтрансгаз” АЖ жамоатчилик кенгаши кун тартибига доир масалаларни атрофлича муҳокама қилиб қарор қилади:

1. Газ транспорт тизимини модернизация қилиш дастури бўйича ва Рақамлаштириш борасида амалга оширилган ишлар маълумот учун қабул қилинсин.
2. Жамоатчилик кенгашининг 2024 йил учун белгиланган иш режасининг келгусидаги чоракларда белгиланган йўналишлар ижросига алоҳида эътибор берилиши инобатга олинсин.

Котиб:



Ф.Донияров

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**«Ўзтрансгаз» АЖ ҳузуридаги**  
**Жамоатчилик кенгаши раиси**  
**Н.Игамбердиев**  
“7” октябрь 2024й

**“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан 2024-йил III-чорақда амалга  
оширилган ишлар тўғрисида йиғилиш баёни № 3**

2024-йил 28 -октябр

Тошкент ш.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. 2024 йил III-чорағида “Ўзтрансгаз” АЖда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида белгиланган топшириқлар ижросини кўриб чиқиш.
2. Муружаатлар билан ишлаш натижаларини эшитиш.
3. Жамият фаолиятини ОАВларда ёритилиши бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисоботни эшитиш.

**Раислик қилди:** Н.Игамбердиев – Жамоатчилик кенгаши раиси

**Қатнашдилар:** Жамоатчилик кенгаши аъзолари: Ш.Равшанова,  
Л.Шарипова, С.Эгамбердиев, С.Осадчая,  
Ш.Абдуллаева, М.Косимов, Р.Тургунов,  
М.Мағдиева, М.Хужанова, , Ф.Донияров

**Сўзга чиққанлар :** М.Норматова

“Ўзтрансгаз” АЖ жамоатчилик кенгашининг 2024-йил III-чорақда амалга оширган ишлари тўғрисидаги йиғилиши Жамоатчилик кенгашининг раиси Н.Игамбердиев томонидан очилди.

Н.Игамбердиев 2024 йил III- чорағида “Ўзтрансгаз” АЖда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан сўзни М.Норматовага берди. М.Норматова ўз нутқида:

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан кўйидагиларни билдириб ўтди.

Ҳисоб палатасинининг “app.ijro.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида белгиланган топшириқлар белгиланган муддатларда ижроси таъминланаётганлигини айтиб ўтди.

Жумладан 2024 йил октябр ҳолатига,

29 та Фармонларда белгиланган 90 та топшириқлардан 85 таси (94,4%) белгиланган муддатларда бажарилган, 5 таси бажарилмокда.

76 та Қарорларда белгиланган 297 та топшириқдан 254 таси (85,5%) бажарилган, 43 таси бажарилмоқда.

3 та Фармойишларда белгиланган 3 та топшириқнинг барчаси тўлиқ бажарилган.

Давлат раҳбарининг Худудларга ташрифи давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган 89 та мажлис баёнларида 319 та топшириқлардан 310 таси бажарилган, (97,2%) 9 таси бажарилмоқда.

Жорий йил 9 ойлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор, Фармон ва Худудларга ташрифи давомида 54 та топшириқлари, Вазирлар Маҳмасининг 153 та топшириқлари ижроси таъминланди.

“EDO.IJRO.UZ” ижро интизоми электрон тизимида 2024 йил III чорақда жами 13 379 та хужжатлар келиб тушган. Шундан, 12 862 тасининг (96%) ижроси таъминланган. 517 та (4%) хужжат ижро ҳолатида эканлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан эса қўйидагиларни маълум қилди.

2024 йилнинг январ-сентябр ойларида «Ўзтрансгаз» АЖ марказий аппарати, унинг қўйи корхона ва ташкилотларига жисмоний ва юридик шахслардан 381 таси бевосита ёзма, 743 та шахсий ва сайёр оғзаки қабуллар, 36 та электрон почта 32 та оғзаки телефон, 738 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали мурожаатлар келиб тушганлигини, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши тўлиқ назоратга олиниб, 418 таси қаноатлантирилганлигини, 1182 таси бўйича муаллифларга тўлиқ тушунтиришлар берилганлигини, 282 таси кўрилмасдан қолдирилганлигини, 10 таси рад этилганлигини, 6 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотга юборилганлигини ва 32 таси ўрганиш жараёнида эканлигини айтиб ўтди.

Шу билан бирга ҳисобот даврида «Ўзтрансгаз» АЖ бошқарув раиси, ўринбосарлари, марказий аппарати мутахассислар ва унинг қўйи корхона ва ташкилотлари томонидан бевосита акциядорлик жамиятида шахсий қабулларда 629 нафар шахслар қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Ш.Равшанова қўйидагиларни маълум қилди.

ОАВдаги ҳамкор журналистлар билан биргаликда Бухоро вилоятига пресс-тур, АОКАда “Ўзтрансгаз” АЖнинг 2023 йилги фаолияти яқунлари” ҳамда “Ўзтрансгаз” АЖ тизимида куз-қишга тайёргарлик ишларининг бориши мавзуларида брифинглар ўтказилганлигини айтиб ўтди.

Бундан ташқари 488 та журналистик материал тайёрланганлигини ва ОАВ ҳамда “Ўзтрансгаз” АЖ расмий веб сайти шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги канал ва саҳифаларида эълон қилинганлиги,

Жумладан:

Фотосуратли хабарлар – 168 та

Оммавий ахборот воситаларида “Ўзтрансгаз” АЖ фаолияти билан боғлиқ маълумотларнинг ёритилиши – 79 марта;

Хабарлар – 13 та;

Видеоматериал – 116 та;

Инфографик материал – 19 та;

Эълонлар – 20 та;

Фоторепортажлар – 4 та; тақдимот – 1 та;

Муҳим саналар муносабати билан тайёрланган постер ва табриклар – 9 та бўлганлигини сўзлади.

Кун тартибида белгиланган масалалар бўйича жамоатчилик кенгаши аъзолар таклифлари ва мулоҳазалари тингланди.

Жамоатчилик кенгаш раиси Н.Игамбердиев муҳокама ва таклифларни инобатга олган ҳолда 2024 йил иш режасини III-чоракда кўйилган масалалар бажарилиши ижобий бажарилганлиги тасдиқланишини сўради. Кенгаш аъзолари бир овоздан иш режани III- чорак масалаларини ижобий бажарилганлигини тасдиқлашди. Қаршилар ва бетарафлар йук.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзтрансгаз” АЖ жамоатчилик кенгаши кун тартибига доир масалаларни атрофлича муҳокама қилиб **қарор қилади:**

1. “Ўзтрансгаз” АЖда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида белгиланган топшириқлар ижросини, мурожаатлар билан ишлаш натижалари, жамият фаолиятини ОАВларда ёритилиши бўйича амалга оширилган ишлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамоатчилик кенгашининг 2024 йил учун белгиланган иш режасининг келгусидаги чоракларда белгиланган йўналишлар ижросига алоҳида эътибор берилиши инобатга олинсин.

Котиб:



Ф.Донияров